



ТИББИЙОТНОМА

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ РЕКТОРИНИНГ “ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ” МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

**АЗИЗ ВА ҚАДРДОН ҲАМКАСБЛАР, ШИФОКОРЛАР – БАРЧАНГИЗГА “ТИББИЁТ
ХОДИМЛАРИ КУНИ” БАЙРАМИ МУБОРАК БЎЛСИН!**

Ҳаммамизга маълумки, 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси мамлакатимизда “Тиббиёт ходимлари кунини” байрам сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиманки, шифокорлик касби – энг машаққатли ва шу билан бирга шарафли касблардан бири ҳисобланади. Чунки, бизнинг маҳоратимиз, малакамиз, масъулиятимиз инсонларнинг ҳаёти ва тақдирида ўрин эгаллайди.

Жамиятимизнинг барча соҳалари қаторида, мамлакатимизда тиббиётнинг ривожланиши, сифатли тиббиёт хизматларидан фойдаланишлари, шифокорларнинг билимлари, кўникмалари, маҳоратларини оширишлари учун кенг имкониятлар яратиб келинмоқда. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Биз барча соҳалардан ҳам тиббиёт соҳасига алоҳида эътибор кўрсатдик. Чунки бош мақсадимиз – халқ саломатлигини сақлаш, соғлигини янада мустаҳкамлаш” – деб таъкидлагани сўзларимизнинг исботидир.

Дунёда бўлгани каби мамлакатимиз ҳам Covid-19 пандемиясини бошидан ўтказмоқда. Бу синовли кунларда шифокорларимиз ўз маҳорат ва масъулиятларини намоён этиб, кўринмас ёв билан мардонавор кураш олиб бориб, буюк жасорат кўрсатиб келмоқдалар. Мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек: “Барча соҳалар қатори тиббиёт тизими олдида ҳам зоят мураккаб вазифалар юзага келмоқда. Инсон саломатлиги учун ўзини масъул ва жавобгар деб ҳисоблайдиган ҳар бир тиббиёт ходими билим ва малакасини доимий ошириб бориши, янги технологиялар ва даволаш усулларини ҳар томонлама пухта эгаллаши энг ўтқир масалага, ҳаётини заруратга айланмоқда”.

Шунинг учун бундай улкан вазифалар олдимизда турган экан, сиз азизларни, ўз касбига фидойи бўлган касб эгаларини – Тошкент тиббиёт академияси маъмурияти ва жамоаси номидан “Тиббиёт ходимлари кунини” байрами билан чин юракдан самимий қутлаймиз ва халқ саломатлиги йўлидаги ишларингиз ҳамини бардавом бўлишини, тилаймиз! Албатта, барчангизга, соғлиқ, саломатлик, узоқ умр, оилавий бахт ва улкан марраларни забт этишингизга тилакдошимиз! Байрамингиз муבורак бўлсин!

Алишер ШОДМАНОВ, Тошкент тиббиёт академияси ректори

ЮРТ БАЙРОҒИ – МУҚАДДАС

Хорижий сафарларда кўп ҳам бўлмаганман. Рости четга чиқишним ортиқча истамайман. Негадир шу қадрдон юртим ўзига оҳанрабодек тортаверади

Ўтган йили Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик масалаларига бағишланган еттинчи халқаро форум тадбирларида иштирок этишга мушарраф бўлдим.

Бошқаларни билмадиму, мен негадир ҳали бир қадам Тошкентдан чиқмасдан уйни соғина бошладим, десам, балки ғалати туюлар-ку, лекин аслида ҳам шундай эди.

Етти ухлаб тушимизгаям кирмаган Хитойга бордик. Адашмасам, куз фаслининг авжи. Бизда ҳамма ёқ тилла тусга кирган. Хазонрезги.

Айнан шу пайтларда Чин юртининг олис Гуанси-Чжуань автоном худудидаги Наньнинь шаҳри таърифга сиғмас даражада гўзал. Октябрь оёқлаб қолган бўлса-да, атроф худди зумрад баҳордагидек ям-яшил. Чор-атрофга яшил гиламлар тўшалгандек. Биз тувакларда, кошинли идишларда ардоқлаб парваришлайдиган Хитой атиргули, арзанда гул - орхидеялар, яна алламбалло гуллар ҳар қадамда чамандек очилган. Билишимча, бу ерда ўсимликлар оламининг нақд уч мингдан ортиқ тури ўсар экан. Қушларнинг чуғури тинмайди. Рақамли технологиялар жадал тараққий этган, бу "Ақлли-смарт" шаҳар кўпроқ улкан ва мафтункор ботаника боғини эслатиб юборса-да, кўнгилдаги хиралик, ғубор сира тарқамасди.

Не кўз билан кўрсакки, форум бўлиб ўтадиган мухташам бинога кираверишда барча иштирокчи давлатларнинг байроғи билан бирга она Ўзбекистонимизнинг давлат байроғи ҳам мағрур ҳилпираб турарди! Ўз юртимда гоҳи ҳовлиқиб, гоҳи хаёлчан юрганимдан тузукроқ ҳам қараб улгурмаган, баъзан эътибор қилмаган байроғимиз кўзимга оловдек кўринди. Бу таърифлашга тил ожиз, қалбга ғоят яқин, қандайдир қадрдон манзара эди. Ростини йиғлаб юборгудек бўлдим. Бир томони кўнглимга недир хотиржамлик, ғурур инди. Энди хизмат сафари анчайин татий бошлади.

Форум ғоят баланд руҳда ўтди. Иштирокчи давлатлар ўзларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини намоиш этди. Соҳага доир янги режалар, истиқболдаги ҳамкорликнинг келгусидаги уфқлари белгиланди.

Ҳа, юрт қадри, унинг рамзларининг қиммати олисларда кўпроқ билинаркан. Жаҳон мусобақаларида зафар қозонган спортчилар Ватанимиз байроғини авайлаб-ардоқлаши замирида улкан маъно-мазмун, пухта мантиқ мужассам экан. Уларнинг қувонч кўз ёши бежиз эмаскан. Мусиқачиларимиз жонажон Ўзбекистоннинг давлат рамзи остида янада ўз санъатини жўшқин ижро этишининг сирини англагандекман. Байроғимиз уларга куч-қувват, ижод завқини бағишлар экан-да!.. У санъатнинг сирли дунёсига парвоз иштиёқини тобора кучайтиришига шубҳам қолмади.

Кимдир баландпарвозликка йўйиши тайин. Бироқ она юрт байроғининг жозибаси, муқаддаслиги, биз учун ғоят қадрдонлигини атиги бир неча кун юртдан олисларда юриб, янада теран англадим.

Назокат УСМОНОВА

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси матни 7543 та сўздан таркиб топган. Бунда «республика» сўзи – 390, Ўзбекистон – 354, қонун – 210, давлат – 98, ҳуқуқ – 90, конституция – 70, фуқаро – 66, Президент – 62, Қорақалпоғистон – 33, шахс – 32, эркин(лик) – 27, халқ – 24, демократия – 7 мартаба қўлланган.

Эътибор бердингизми Республикамиз қомусида жонажон юртимиз, Ватанимиз Ўзбекистон билан дахлдор сўзлар энг кўп қўлланилган. Зеро, бу муҳим ҳужжатнинг бор мазмун-моҳияти, мақсади юрт шаъни, кадр-қиммати ва шу азиз маконда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бахту иқболини ҳимоя қилишга қаратилган. Сизу бизнинг бахтимиз ҳам айнан шунда. Ўз фуқаролари ҳаётини ҳамма нарсадан устун билган демократик жамиятда яшаётганимизда. Жамиятимиз равнақи эса мамлакатимизда устувор бўлган қонун ҳужжатларининг нечоқлик ҳаётбахш эканлиги билан ҳам боғлиқдир.

Конституциямизнинг 28 йиллиги арафасида ёшларимизга яратилаётган улкан имкониятлар, улар тафаккурида куртак отаётган бунёдкор ғояларга тўхталсак. Бу ғоялар янги Ўзбекистоннинг янгича фикрлаётган ташаббускор ёшларини бугун кечагиданда илғор бўлиб, жамият равнақига муносиб ҳисса қўшишга чорламоқда.

Тошкент тиббиёт академиясига 2020 янги ўқув йилида жами 6 мингдан зиёд иқтидорли ёшлар қабул қилинди. Ўтган қисқа вақт мобайнида уларнинг замонавий билимларни эгаллаш ва турли соҳалардаги ноёб иқтидорларини аниқлаш борасида ўтказган сўровномалардан шу нарса аниқ бўлдики, улар юртимиз келажагининг умидли ниҳоллари. Илмга чанқоқ, янги билимларни ўзлаштириш йўлида жонсарак йигит қизлар.

Соҳибқирон Амир Темура бобомиз: “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезони”, деб таъкидлаган эди. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади.

Мустаҳкам қонунлар асосида барпо этилаётган янги Ўзбекистонда эса янгича дунёқарашли ёшларнинг ўрни айниқса бекиёсдир. Бу жараёнда Тошкент тиббиёт академияси ёшларининг ўрни борлигидан мамнунмиз.

ТТА матбуот бўлими

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

“Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараиш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак”.

Ш.Мирзиёев.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни қабул қилишга оид Ўзбекистон ташаббусига яна бир бор жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратди.

Юртимизда улғаяётган ёш авлод камолоти, сифатли таълим ва тарбия олишини таъминлаш давлатимизнинг ҳамиша устувор вазифаси деб ҳисобланиб келган. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ўнлаб муҳим фармон, қарор ва дастурлар қабул қилинмоқда. Кейинги тўрт йил мобайнида мактаб ўқитувчиларининг ойлик маоши бир ярим баробар кўпайтирилди, Давлат мукофотлари билан тақдирланаётган устозлар сони ошиб, ўқитувчи тайёрлайдиган ҳисоботлар, қоғозбозликлар сони кескин камайтирилди. Жамиятда устоз ва мураббийларга қаратилаётган эътибор туфайли жуда кўплаб эркак ўқитувчиларимиз мактабларга қайтди. Мактабларда синф раҳбарларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини муносиб рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда. Ўқитувчиларга устамалар тўлаш, уларни рағбатлантириш мезонлари ишлаб чиқилмоқда ва бу орқали жамиятимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг обрўи тикланмоқда.



Давлатимиз раҳбари ўз мурожаатида парламент аъзоларидан мактаблар билан ишлаш тизимини алоҳида назоратга олиб, ушбу жараёнларга яқиндан кўмак беришларини сўради ва Олий Мажлис палаталарига икки ой муддатда умумтаълим мактаблари билан ишлашни янада кучайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича зарур вазифаларни белгилаб берди. Бу эса Республикамиздаги олий ўқув юртлари зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, бугун шиддат билан ривожланаётган замон ҳар биримиздан бу масалага алоҳида ташаббус кўрсатишни талаб этади.

Шундан келиб чиқиб, ҳар бир олий таълим муассасаси мактаблар муаммосига биринчи даражали масала деб қараши, ёшлар билан доимий равишда мулоқот қилиши, уларнинг муаммо ва таклифлари билан қизиқиши, умуман, янги Ўзбекистоннинг мактаб остонасидан бошланишига ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Чунки, келажагимиз ворисларига берилаётган таълим-тарбия юрт тақдирини белгилаб беради.

Худди шу вазифаларни амалий ифодаси сифатида Тошкент тиббиёт академиясида мактаблар фаол ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди. Тошкент тиббиёт академияси ректори А.Шадманов топшириғига кўра Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 7 та ва Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 4 та умумтаълим мактабларига ТТАнинг тегишли кафедралари бириктирилди. Бириктирилган мактабларга ТТА ректорининг шахсан ўзи ташриф буюриб, мактаб директорлари билан ҳамкорлик ишлар бўйича келишиб олди. ТТА 11 та кафедраси юқорида кўрсатилган мактаблар билан ҳамкорлик режаларини тузиб, келгусида амалга ошириладиган ишлар бўйича ўзаро келишиб олинди.

А.САЙДУЛЛАЕВ,

ТТА Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими услубчиси

КОНСТИТУЦИЯ - ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР АСОСИ

«Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди. Бугунги кунда барча жабҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятимиз юксалиб, фуқароларимизнинг дунёқараши тобора ўсиб бормоқда. Буларнинг барчаси, энг аввало, Бош қомусимизнинг ҳаётбахш куч-қудрати натижасидир».

Ш.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида сўз юритишдан олдин “Конституция нима?” деган саволга жавоб бериш мақсадга мувофиқдир.

Конституция (лотинча “Constitution” – тузилиш, тузук) – давлатнинг Асосий Қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, суд тизимини ҳамда давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда замонавий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг қонуний асоси, давлатимиздаги тинчлик ва осойишталик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртимизнинг ривожланган давлатлар қаторига кириши, халқимиз фаровонлигини янада оширишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб келмоқда.

Шу кунларда Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий ҳаётимизда ёрқин из қолдирадиган, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғоя руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган тарихий сана сифатида кенг нишонлашга қаратилган маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тарғибот тадбирлари бошлаб юборилди. Бу тадбирларда Ўзбекистонда истиқлол йилларида босқичма-босқич амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар ҳамда конституциявий жараёнларни, Ватанимиз тараққиётининг тарихий шарт-шароитлари, ҳозирги саодатли кунлар ва ёруғ истиқболимизни, халқимизнинг бунёдкорлик руҳи, улкан салоҳиятини чуқур таҳлил ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Асосий Қонунимиз демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор муносабатлари ҳамда хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни куриш, халқимизнинг тинч, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришда мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, унда мамлакатимизнинг ўз олдига қўйган улкан мақсад ҳамда вазифалари, қайси моделга асосланиши, халқаро миқёсда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқ устуворлиги ҳамда демократия тамойиллари ўз ифодасини топган.

Конституциямизнинг яна ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз борганда, унда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсад қилингани, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият дея эътироф этилгани, жаҳон конституцияшунослик хазиналари бўлмиш — тенглик, адолат, мафкура ҳамда фикрлар хилмахиллиги, ҳокимиятлар бўлиниши, фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларидан суд қарорисиз маҳрум этиб бўлмаслиги, айбсизлик презумпцияси кабилар мустаҳкамланганлигини таъкидлаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёни Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг “Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснома” бўлганлиги, у “халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини” акс эттириши, унинг “халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули” экани ҳақидаги ҳикматли хулосалари тўғри ва асосланган эканини яққол тасдиқлайди.

Н.АБДУРАХМОНОВА,

Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

БУЮК ҲАКИМ СИЙМОСИГА ТАЪЗИМ

Халқ табобати тарихини варақлар эканмиз, унда бугунги кун медицинасининг ривожига олиб келган, асрлар мобайнида инсониятни турли-туман хасталик ва ногиронликлардан қутқарган, тиббий маърифат ва маънавиятни юксак чўққиларга кўтарган юзлаб алломаларга кўзимиз тушади. Тиббиётнинг отаси деб ҳақли равишда тан олинган буюк Гиппократдан бошланган бу олтин силсила Клавдий Гален, Абулқосим аз-Захравий, Муҳаммад Закариё ар Розий, Ибн Сино, ҳаким Юсуфий, Шамсиддин Дунасарий, ас Саид ус-Самарқандий, Воситхон ибн Зоҳидхон Шоший, Алихонтўра Соғуний, Муҳаммадjon Ҳамроевлар томонидан муносиб давом эттирилди.

Аммо, шу вақтгача мазкур улуғлар ҳаётини муфассал ўрганиш натижасида мукамал тарихий-таҳлилий асарлар яратилмаган. Устози комил, Ўзбекистон Республикаси Халқ табобати академияси ва Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, профессор Жуманазар Бекназаров томонидан жорий йил “Янги аср авлоди” нашриётида нашр этилган “Буюк Сино” тарихий-ҳужжатли романининг яратилиши мазкур борадаги маънавий бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Табиб, ҳаким, жарроҳ, адиб Жуманазар Бекназаров халқ табобати ва замонавий медицинанинг, Тибби Набавийянинг билимдонларидан ҳисобланади. Шу боисдан ҳам инсон саломатлигини муҳофаза қилиш тарихи унинг учун янгилик эмас. Муаллиф ўзининг бутун иқтидори, салоҳияти билан ушбу маърифий романда қомусий илмлар соҳиби, буюк аллома Ибн Сино ҳаёти ва табобат соҳасида амалга оширган беназир кашфиётларнинг илмий-бадий талқинини келтиради. Асарда улуғ мутафаккир образи умрининг ҳар лаҳзасида одамлар дардига малҳам бўлишни бурч деб билган чин инсонпарвар, бу йўлда муттасил изланишдан асло толмаган ҳаким, ҳаётини шахс камолоти ва жамият равнақи йўлига тиккан улуғ мутафаккир сифатида намоён бўлади.

Миллат ва Туронзаминнинг хақиқий суювчиси адиб буюк бобокалонимизнинг табобатда илк бора қилган қатор кашшофликлари ва ихтиролари тўғрисида далил ва ашёлар келтириш билан бирга уларнинг аксарияти замонавий медицинанинг бошқа Ғарб олимлари номи билан аталиб кетганлигини куюниб ёзади. Бу билан тарихий ҳақиқатни юзага чиқармоқчи бўлади. Шу билан бирга бор-йўғи 57 йил умргузаронлик қилган Ибн Сино томонидан 400 дан ортиқ турли мавзулардаги китоблар битилганлигини ҳайрат билан эътироф этиш билан бирга уларнинг аксариятига холисона баҳо беради. Романга филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов сўзбоши, тиббиёт фанлари доктори профессор Зарифбой Ибодуллаев ёзган.

Хулоса сифатида шуни айтиб ўтиш мумкинки айрим Ғарб олимлари томонидан “Ибн Сино Нух бинни Мансур кутубхонасини ёқиб, мозий олимлари китобларини ўз номидан ёзиб чиқарган” қабалидаги даъволарига қарамасдан мазкур китоб Ўзбекистон адабиётида давлатимиз қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Ҳаким ва ажал” тарихий поэмасидан кейинги энг мукаммал тарихий асардир. Ушбу китобни кенг китобхонлар оммаси, тиббиёт тарихи билан қизиқувчи тадқиқотчилар, турли жабҳа ва ихтисослик шифокорларида катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Алижон ФАҚИРОВ,

“Турон” илмий академияси, “Antequy World” Халқаро илмий академияси академиги, Республика соғлиқни сақлаш аълочиси,

Қутбиддин НИЗОМОВ,

“Турон” илмий академияси, “Antequy World” Халқаро илмий академияси академиги, Республика соғлиқни сақлаш аълочиси

1 декабрь – ОИТСга қарши курашиш куні

ОИТС – ЖАМИЯТ УЧУН ГЛОБАЛ МУАММО

Бу юқумли касаллик ижтимоий касалликдир! Шунинг учун у кенг маънода нафақат иқтисодий, сиёсий зарар келтиради, шунингдек, оилавий, рухий, маънавий, ахлоқий жихатдан салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Шундай экан касалликнинг олдини олиш, даволаш, тарқалишини чеклаш ишларида ақл-заковат билан иш тутиш катта аҳамиятга эга. Яъни рухий тўсиқларни бартараф этиш керак бўлади.

ОИТС касаллиги глобал муаммолардан бири экани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги кунда жаҳон бўйича 34 млн. киши ОИВ инфекциясига чалинган бўлса, ҳар йили уларнинг сафига яна 2 млн. 700 минг нафар киши қўшилади. Ўтган давр мобайнида қарийб 2 млн.га яқин одам бу касаллик оқибатида ҳаётдан кўз юмди. Одамда ОИВ инфекцияси бор-йўқлигини текшириш мамлакатимизда қонун орқали белгилаб қўйилган ва ихтиёрий равишда амалга оширилади. Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки касаллик асосан 3 хил йўл билан юқади: қон орқали, ҳимояланмаган жинсий алоқа ва онадан болага. Қон орқали тери ва шиллиқ қаватнинг шикастланиши орқали юқадиган жараённи ўз ичига олади. Дейлик, гиёҳванд воситаларни томир орқали олувчилар, баданларига татуировка чиздиришга қизиқадиганлар, косметологик ёки бошқа хизматлардан фойдаланувчилар, стерилланмаган асбоблар орқали инфекцияни бевосита парентерал йўл билан юқтириб олишлари мумкин. Иккинчиси — касалликнинг жинсий йўл билан юқиши. Таъкидлаш жоизки, жинсий йўл билан юқиш фақат ОИВ инфекциясига хос эмас. 30 дан ортиқ бошқа касалликлар ҳам жинсий йўл билан юқиши мумкин. Учинчи йўл — вертикал, яъни касалликнинг онадан болага юқиши.

Умуман олганда, ОИВ инфекциясининг юқиши ёки юқмаслиги аҳолининг тиббий маданияти ва саводхонлигига боғлиқ. Аҳолининг саводхонлик даражаси нечоғли юқори бўлса, бу касалликнинг юқиш эҳтимоли ҳам шу қадар камаяди. Шу жихатдан аҳоли орасида тиббий маданиятни ошириб бориш долзарб вазифадир. ОИВ инфекциясига чалинган шахслар учун инфекциянинг ОИТС касаллигига ўтиш жараёнини секинлаштирувчи антиретровирус дори-дармонлар муҳим аҳамиятга эга.

Орттирилган иммунитет танқислиги вирусини инсон организмига тушгандан сўнг ўн йил давомида ҳам касаллик белгилари намоён бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун бу касалликни юқтирганлар аксарият ҳолларда ўзларининг касалликка чалинганликларини сезмайдилар. Вирус организмнинг иммун тизимини ишдан чиқаргандан кейин, муайян бир касалликлар, масалан, пневмония, сил, ҳар хил кандидозлар, ичак инфекциялари ва бошқа инфекциялар хуружини организм енга олмай қолганида ва бемор шифохонага ўша касаллиги бўйича мурожаат қилганида бу хасталикка чалинган аён бўлади.

Касалликнинг кейинги босқичи, яъни ОИВ инфекциясининг ОИТС касаллигига айланишида юз берадиган ўзгаришлар, асосан, тана ҳароратининг кўтарилиши, сурункали терлаш, лимфа тугунларининг катталашиви, иштаҳанинг йўқолиши, озиб кетиш, ҳолсизланиш, терида тошмаларнинг пайдо бўлиши, ичнинг мунтазам равишда бузилиши ва бошқа шунга ўхшаш клиник белгилар иммун тўсиғининг сусайганидан дарак беради. ОИВ инфекциясига чалинган одамнинг умрини соғлом одамнинг умричалик узайтириш мумкин. Бунинг учун у доимий равишда шифокор назоратида бўлиши зарур.

ОИВ инфекциясига чалинган беморнинг ҳаёти шу билан тугамайди. Аксарият ҳолларда касаллик ташхиси қўйилган бемор, қаттиқ саросимага тушади. Лекин касалликка қарши курашиш имконияти мавжудлигини ёддан чиқармаслик лозим.

Аслида жамоатчиликка бу касаллик ҳам бошқа хасталиклар сирасидан эканини тушунтириш зарур. Ваҳоланки, вирусли гепатит С, Д ёки торч инфекциялар, бошқа жинсий йўл орқали юқадиган касалликларнинг хавфи ҳам жуда юқори. Аммо негадир ОИВ инфекциясига чалинган одамга бошқача кўз билан қараймиз. Бир нарсани ҳисобга олиш керакки, фақат маънавий бузуқлик ОИВ инфекциясини юқтириб олишга сабаб бўлавермайди. Масалан, касалликни юқтириб олган ёш болаларнинг айби нимада? Болаларга ОИВ юқишида баъзан тиббий муолажалар сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ОИВ инфекцияси аниқланган оилага ёки шахсга нисбатан ёмон кўз билан қараш нотўғри. Аксинча, уларга таскин бериш, тушунтириш йўллари қидиришимиз керак. Афсуски, ОИВ инфекциясига чалинган одамлар бу сирнинг ошкор бўлишидан чўчиб, ҳатто турар-жойларини ўзгартирган ҳолатлар ҳам учрайди. ОИВ инфекциясига чалинган одамнинг ҳуқуқлари соғлом одамнинг ҳуқуқлари билан бир хил. У ҳам хоҳлаган тиббиёт муассасасига мурожаат қилиши ва ўзига керакли тиббий ёрдамни ҳеч қандай чеклашларсиз олиши мумкин.

Шуни ёдда тутиш керакки, ОИТС оилага ёки шахсга қўйилган тамға эмас. Чунки бугунги кунда ҳеч ким бу касалликни юқтириб олмасликдан юз фоиз қафолатланмаган. Хоҳлаймизми йўқми, тиббий муассасаларга мурожаат қиламиз, маиший хизмат кўрсатиш муассасаларидан фойдаланамиз, у ёки бу даражадаги хатти-ҳаракатларимизда баъзан эркинликни ўзимизга раво қўрамиз. Демак, бу дард мени четлаб ўтади, деган фикрдан йироқ бўлишимиз керак. Ушбу касалликка чалинмаслик учун албатта, соғлом турмуш тарзига риоя этиб, доимо сергак бўлишимиз лозим. Зеро, ҳозирги замон талаби ҳам шу. Асримиз вабоси бўлган ОИТС ҳамда гиёҳвандлик офатидан келажак авлодни халос этишда барчамиз масъул эканлигимизни унутмайлик.

Б.ҚУДРАТУЛЛАЕВА,

РИИАМ бўлими олий тоифали шифокори,

Ш.ИШМУХАМЕДОВА,

**Клиник Аллергология, иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси
ассистенти**

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ОИТС МУАММОЛАРИ

Умумжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг 2020 йил 19 ноябрида берган маълумотига қараганда бугунги кунда рўйи заминда коронавирус пандемияси билан зарарланмаган бирорта ҳудуд қолмади, унинг асоратлари Антарктидадан Экваторгача, Океанлар ҳудудидан Саҳройи кабиргача тарқалиб борди. Ер шарида касалланганлар сони 50 миллиондан, нобуд бўлганлар миқдори эса бир ярим миллиондан ошди. Унинг тажовузкорлиги олдида авваллари инсоният саломатлиги учун хавфли ҳисобланган аксарият хасталиклар, шу жумладан ОИТС хасталиги ҳам ип эшолмай қолди.

Умумжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг 2020 йил 5 январидида келтирган маълумотларига кўра курраи заминда ОИТСнинг турли босқич ва асоратлари билан касалланган беморлар сони 7 миллионга, унинг асоратларидан нобуд бўлганлар сони эса дастлаб аниқланган давр - 1980 йилдан буён 13 миллионга етди. Мазкур хасталик ҳам коронавирус каби вирус этиологиясига эга бўлиб, тобора кўпайиб бораётган касалликлар сирасига киради. Шу ўринда, хўш бу иккала касаллик қайси мезонлар асосида бир-бирига боғлиқ деган ҳақли савол туғилади.

Маълумки, ҳар қандай хасталикнинг юқувчанлиги, вужудда кечиши, асоратлар ва ноҳўя таъсирлар бериши иммун тизимининг ҳолатига боғлиқ. Сўнгги йилларда иммунология фани яхши ривожланиб авваллари номаълум бўлган кўплаб жиҳатлар аниқланди, инновациялар яратилди. Жумладан, россиялик иммунолог олим, профессор Ж.Платоновнинг жорий йилнинг 8 августидида берган маълумотига қараганда корона вирус инфекцияси юқувчанлиги ва қай даражада кечиши хужайра ҳамда гуморал иммунитетимизга бевосита боғлиқ бўлиб, хасталик тузалганидан кейин турли аъзо ва тизимларда асоратларининг қолиши ҳам организмнинг қаршилиқ кўрсата олиш хусусиятларига тўғри пропорционал экан. Жумладан, ОИТС ташхиси қўйилган беморларда иммун тизими ўта ночор ва заиф бўлиб, бошқа вируснинг тайзиқига бундан вужуд бардош бериши қийин бўлар экан. Олим ОИТС билан оғриган беморларда корона вирусдан ўлим ҳоллари 30-45% гача, бошқа одамларда эса 1.5-3% гача эканлигини исботловчи статистик маълумотларни келтириб ўтади.

Жумладан Россия Федерациясидида ОИТС билан ҳисобдида турувчи 10593 нафар беморлар корона вирус билан оғриган бўлиб, улардан 4931 нафари COVID асоратларидан нобуд бўлган, бу жами беморларнинг 46,5% қисмини ташкил қилади.

Хулоса сифатида шуни айтиб ўтиш лозимки, инсон ўз организмни яхши ўрганиб, иммун тизимини спорт, соғлом турмуш тарзи, жинсий тийиқсизликдан тийилиш, соғлом овқатланиш билан рағбатлантириб турса аксарият эпидемиологик ҳолатлардан беталафот чиқади.

**Алижон ФАҚИРОВ,
Қутбиддин НИЗОМОВ**

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БАРЧАМИЗ БИРДЕК КУРАШИШИМИЗ ЗАРУР

Коррупция ҳақида тарихга бир назар ташласак, коррупция иқтисодий ҳодиса сифатида товар-пул муносабатлари бор жойда мавжуд бўлиб келган.

Шу билан бирга, катта бойликларга эга бўлган баъзи ишбилармонлар ўз даромадларини кўпайтириш ва бозордаги рақобатда алоҳида имтиёзларга эга бўлиш мақсадида мансабдор шахсларни ўз ихтиёрларига бўйсундиришга ҳаракат қиладилар.

Жаҳон тарихининг турли даврларида ҳам турли давлатлардаги катта-кичик мансабдорлар томонидан коррупцияга оид жиноятлар содир этилгани, коррупцияга қарши қонунлар қабул қилиниб, ўзига хос жазолар тайинланганининг гувоҳи бўламиз.

Жумладан, соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида жиноят ва жазо масалаларини ҳал этишда “Темур тузуклари” алоҳида ўрин эгаллаган. Тузукларда мулкни, хусусан, давлат мулкни ўзлаштирганлик учун жавобгарликни белгилашда ўзига хос ёндашув мавжуд бўлган.

Ўша даврда амалдорлар ишини тартибга солиш мақсадида вақти-вақти билан сўроқ, текшириш, тафтиш, тергов ўтказиб турилган. Ўз амалини суиистеъмол қилиш, доимий равишда ичкилик ичиш каби қилмишлар оғир гуноҳ ҳисобланган ва қаттиқ жазоланган. Тарихий манбаларда келтирилишича, Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ, неваралари Пирмуҳаммад ва Халил Султонлар юқорида зикр этилган меъёрларни бузганлик учун халқ олдида жазога тортилган.

Диний нуқтаи назардан олиб қарасак ҳам, Аллоҳ таоло инсониятни яратгач, уларни Ер юзида ҳалол ризқ талаб қилишга амр этиб, унинг акси бўлмиш ҳаромдан ҳазар қилишга буюрди ҳамда ҳалол ва ҳаром бўлган нарсаларни баён қилди. Демак, ҳар бир инсон ҳалол ризқ талаб қилиши билан бирга, бировнинг ҳаққидан ҳазар қилиши ва ўзгаларнинг молини ноҳақ йўллар билан ўзлаштирамаслиги ўта муҳимдир.

Ҳаётда ўзгаларнинг ҳаққига тажовуз қиладиган, ўзгалар молини ўзлаштириб оладиган кимсалар, гарчи кўзга уддабурон кишилар бўлиб кўринса-да, ночор ва бечора кишилар айнан ўшалардир.

Бу ўринда бировнинг ҳаққини ноҳақ ейиш ҳамда пора берувчи ва пора олувчи ҳам оғир гуноҳкор бўлишлиги муқаддас манбааларимизда ҳам айтиб ўтилган.

Демак, коррупцияга қарши курашишда инсоннинг диний-маърифий билимларга эга бўлиши ҳам жуда муҳимдир.

Мунис ХАЛИЛОВА



ВЕЧНОЕ СИЯНИЯ РАЗУМА

Учитель прикасается к вечности: никто не может сказать, где кончается его влияние.

Генри Адамс

80 ЛЕТ НАЗАД РОДИЛСЯ УЗБЕКСКИЙ УЧЕНЫЙ-РАДИОЛОГ ПРОФЕССОР ЭДУАРД АДЫЛОВИЧ ШАКИРОВ

Прошло 12 лет с тех пор, как ушел из жизни большой ученый, педагог, врач, доктор медицинских наук, профессор Эдуард Адылович Шакиров. 5 октября 2020 года ему исполнилось бы 80 лет. Э.Шакиров родился в семье известных врачей – травматологов, ортопедов Адыла Шариповича Шакирова и Евдокии Васильевны Лузиной.

Э. Шакиров после окончания в 1964 году Ташкентского государственного медицинского института был направлен в Сырдарьинскую область в качестве врача-радиолога. В 1965 году он поступил в аспирантуру на кафедру рентген-радиологии ТашГосМИ с по следующим прикомандированием для подготовки диссертации в институт медицинской радиологии АМН СССР (г. Обнинск). В 1969 году им была защищена кандидатская диссертация на тему «Внешняя радиометрия с помощью йод-131 липидов в диагностике заболеваний органов пищеварения». С 1968 года Эдуард Адылович работал на кафедре рентген-радиологии ТашГосМИ ассистентом, доцентом, профессором, а с 1990 года заведующим кафедрой лучевой диагностики и лучевой терапии 2-ТашГосМИ (после разъединения ТашГосМИ). С января 1998 по 2008 годы работал заведующим кафедрой рентгенологии ТашИУВ.

Докторскую диссертацию защитил в 1988 году на тему «Рентгено-радионуклидное изучение регенеративных процессов в костной ткани при некоторых неопухольных заболеваниях костей». Эдуард Адылович отличался большой преданностью науке и принципиальностью.

Основными научными направлениями, разработанными Э. Шакировым, являются совершенствование рентген-радионуклидных методов диагностики заболеваний органов пищеварения и костно-суставной системы: влияние витамина Д на костное ремоделирование, патогенез поражения костно-суставной ткани при ревматоидном артрите методом нейтронно-активационного анализа, оценка минеральной плотности костной ткани методом фотонной абсорбциометрии, топографические особенности сосудов крупных суставов при коллагенозе методом дигитально субтракционной ангиографии и многие другие. Э.Шакиров внес заметный вклад в развитие данного научного направления. Им опубликовано более 100 научных работ, из них 5 монографий. Под его руководством защищены 4 кандидатских и 1 докторская диссертация. Издано несколько методических рекомендаций для врачей и студентов, получено 5 авторских свидетельств. По разработанной Э. Шакировым учебной программе ведется преподавание по лучевой диагностике и лучевой терапии в медицинских вузах Узбекистана.

Э.Шакировым велась большая общественная работа: в течение 9 лет он был главным специалистом УМС МЗ УзССР, заместителем редактора «Медицинский журнал Узбекистана» (10 лет), первым деканом санитарно-гигиенического факультета ИТашГосМИ (2 года), председателем комиссии по освидетельствованию ликвидаторов из Узбекистана на Чернобыльской АЭС.

Особо хотели бы отметить работу Э.Шакирова в лице ответственного секретаря журнала «Бюллетень Ассоциации врачей Узбекистана». Он внес огромный вклад в повышение имиджа журнала, совершенствование рубрик, статей, публикуемых в журнале. Результатом его заслуг является популярность журнала среди медицинских работников республики.

Эдуард Адылович был образцом настоящего ученого, интеллигентным, чутким и отзывчивым человеком.

Его очень не хватает всем его ученикам и друзьям, чьи жизни были обогащены его многочисленными вкладками.

Коллектив кафедры травматологии, ортопедии и ВПХ, Кафедра медицинской радиологии Ташкентской медицинской академии.

Коллектив кафедры радиологии ТашИУВ.

Научное Общество рентгенологов и радиологов Узбекистана. Редакционная коллегия журнала “Бюллетень Ассоциации врачей Узбекистана”.

МУТАХАССИС: КОРОНАВИРУС ТУЗАЛАДИГАН КАСАЛЛИК, АММО...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Коронавирусга қарши кураши штаби аъзоси Барно Абдусаматова иштирокида ташкил этилган брифингда коронавирус инфекцияси, вирус тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар хусусида маълумот берилди.

Мутахассиснинг фикрича, коронавирус тузаладиган касаллик бўлиб, инфекция билан зарарланиш бу бутун ҳаёти давомида вирус ташувчиси бўлиб қолади, дегани эмас. COVID-19 юқтириб олган инсонларнинг кўпчилиги тузалиб, вирус организмдан чиқиб кетади. Инсон симптомлар пайдо бўлгандан 10 кун давомида инфекция ташувчиси бўлади (агар белгилар бўлса), бу инфекция юққандан тахминан 2 ҳафтани ташкил этади.

Биринчи симптомлар пайдо бўлган кундан энг камида 10 кун ва тузалгандан кейин яна 3 кун ўтиши керак. Махсус туғруқ муассасасида даволаниб чиққан ҳомиладор аёл ҳам муолажадан сўнг шифокорлар тавсияси билан соғлом ҳисобланади ва касалликдан сўнг махсус туғруқхонага эмас, ўз яшаш ҳудудига тегишли туғруқхонага бориши бошқалар учун хавф туғдирмайди.

Табиий гиёҳлар коронавирус инфекциясида асосий дори воситалар билан бир қаторда ишлатилиши мумкин, лекин бир ўзи монотерапия сифатида ёрдам бермайди. Махсус даво курсларини тўлиқ қабул қилиб бўлгач, кейинчалик профилактика мақсадида шифокор тавсияси асосида табиий гиёҳлар ичса бўлади.

Қандли диабет бўлган инсонлар турли хил инфекцияларга мойил бўлади. Сабаби шакар микроблар учун озуқа моддаси ҳисобланади. Агар қандли диабет бор бемор қонида глюкоза кўп бўлса, коронавирус ушбу беморларда оғир кечади. Сабаби касалликда кузатиладиган «ситокинлар ҳужуми» учун шакар қувват манбаидир. Айниқса, тана вазни ортиқча бўлган қандли диабет бор инсонларда коронавирус оғир кечади.

Бу беморларда коронавирус касаллигига хос бирон клиник белгилар сезилса, дарҳол ҳудудий шифокорларга мурожаат этиши шарт. Улар уй шароитида ўз-ўзини даволаш билан шуғулланиши маън этилади. Чунки уларда тезда пневмония ривожланиши ва унинг оғир кечиши кузатилиши мумкин. Бу беморлар коронавирусдан даволаниш билан бирга, диабетни ҳам даволашда давом этишлари лозим. Сабаби коронавирус жараёнида қанд микдори ошиб кетса, бу оғир асоратларга олиб келади.

Коронавирус ҳаво-томчи ва мулоқот орқали тарқалиши мумкин. Касалликнинг махсулотлар орқали юқиши борасида мутахассислар бир тўхтамга келишмаган, лекин бу эҳтимолни истисно этмайди.

Карантин қоидалари юмшатишгани одамларни хотиржамликка эмас, аксинча, сергакликка чорлаши керак. Чунки энди уйда, ишда, кўчада, бозорда бошқа одамлар билан кўпроқ юзма-юз бўлади. Коронавирус инфекцияси эса ўта контагиозлиги билан хавфли. У жуда тез тарқалади ва агрессив. Дунё бўйлаб кундан кунга касалланган ва вафот этганлар сони ортиб бормоқда.

Дунё тажрибасида кўринмоқдаки, ҳар қандай чекловдан кўра, одамлар орасидаги карантин маданияти коронавируснинг олдини олишда самаралироқ бўлиб қолмоқда. Бундан кейин ҳар бир инсон пандемия шароитида яшашга, меҳнат қилишга ўрганиши, унга мослашиши керак.

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА,
ЎЗА

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ
ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

(2020 йил ноябрь)

Мудир

*Малака ошириш факультетида
қарашли “Травматология, ортопедия
ва ХДЖ” кафедраси*

*Тиббий профилактика факультетида
қарашли “Информатика ва биофизи
ка” кафедраси*

Доцент

*Даволаш факультетида қарашли “1-
сон факультет госпитал терапия ва
касб касалликлари курси билан”
кафедраси*

Катта ўқитувчи

*Тиббий педагогика факультетида
қарашли “Психиатрия ва наркологи”
кафедраси*

Ассистент

*Даволаш факультетида қарашли “1-
сон умумий ва болалар жарроҳлиги”
кафедраси*

*Даволаш факультетида қарашли “1-
сон факультет ва госпитал
жарроҳлик” кафедраси*

*Даволаш факультетида қарашли “Ане
стеziология ва реаниматология”
кафедраси*

*Тиббий профилактика факультетида
қарашли “Тиббий ва биологик кимё”
кафедраси*

*Тиббий профилактика факультетида
қарашли “Микробиология, вирусология
ва иммунология” кафедраси*

*Тиббий профилактика факультетида
қарашли “Фармакология” кафедраси*

*Тиббий профилактика факультетида
қарашли “Болалар, ўсмирлар ва
овқатланиш гигиенаси” кафедраси*

*Тиббий педагогика факультетида
қарашли “Нормал ва патологик
физиология” кафедраси*

*Тиббий педагогика факультетида
қарашли “Фтизиатрия ва
пульмонология” кафедраси*

**Хужжатларни қабул қилиш муддати бир ой эълон қилинган кундан бошлаб,
ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.**

Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй.